



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2018 йил 10 май, № 95 (7053) Пайшанба

Сайтнинг ўқиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



«СИЗЛАРНИНГ БУГУН ОРАМИЗДА МАНА ШУНДАЙ НУРОНИЙ БЎЛИБ, ДУОГЎЙ БЎЛИБ ЮРИШЛАРИНГИЗ БИЗ УЧУН, АЛБАТТА, КАТТА БАХТ, КАТТА ДАВЛАТДИР»



Пойтахтимизда 9 май — Хотира ва Қадрлаш куни ҳамда Иккинчи жаҳон урушида қозонилган буюк Ғалабанинг 73 йиллигига бағишланган байрам тантаналари бўлиб ўтди.

Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 16 апрелда имзоланган "Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида"ги Фармони ҳамда "Хотира ва Қадрлаш кунига тайёргарлик қилиш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига биноан, юртимизда ушбу сана кўтаринки тарзда нишонланмоқда.

Бир неча кундирки, юртимиз бўйлаб мазкур сана билан боғлиқ турли маросимлар уюштирилди. Гулдек ёшлик йилларини оловли ўчоқларда ўтказган Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари билан учрашувлар ташкил қилинди. Маданият ҳамда истироҳат боғларида, майдонларда, метро бекатларида уруш йиллари кўшиқлари янгради. Махсус парад ва ҳарбий техникалар намоиши халқимиз томонидан катта қувонч билан кутиб олинди.

Мамлакатимизда 9 май — Хотира ва Қадрлаш куни кенг нишонланмоқда. Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган байрам тадбирларида Президент Шавкат Мирзиёев иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий веб-сайти — president.uz орқали олинган маълумотларга қўра, давлатимиз раҳбари дастлаб Хотира майдонига ташриф буюриб, Мотамсаро она ҳайкали пойига гулчамбар қўйди. Иккинчи жаҳон урушида жон фидо қилган юрдошларимиз хотирасига ҳурмат баҳо келтирди.

Номи юқорида зикр этилган

хужжатларга мувофиқ, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ҳамда ноғиронларига Ўзбекистон Республикаси Президенти номидан мукофотлар топширилди. Уларнинг узлари жанг қилган мамлакатларга бориб-қелиши, санаторийларда бепул дам олиши учун шароит яратилди. Иккинчи жаҳон уруши ва фронт ортида меҳнат қилган фахрийларга, мустақиллик йилларида хизмат бурчини бажариш чоғида халқ бўлган ҳарбий хизматчилар ҳамда ҳуқуқни муҳофаза этиш органлари ходимларининг оила аъзоларига моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилди.

Асосий тантаналар пойтахтимиздаги Ботаника боғида бўлиб ўтди. "Ўзбекистон 24" ҳамда бошқа расмий каналлар орқали тўғридан-тўғри эфирга узатилган тантаналардан илҳомланиб, биз ҳам бевоесита ушбу репортажни тайёрладик.

Тадбирда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардан уруш ҳамда меҳнат фахрийлари, давлат ва жамоат ташкилотлари мутасаддилари, мамлакатимизда аккредитациядан ўтган хорижий дипломатик корпус вакиллари қатнашди.

Боғ байрамонга безатилган. Саҳна ортидаги монитorda халқимизнинг уруш даврида кўрсатган матонати ҳамда жасорати, ёвуқ ўғлонларининг мислсиз қаҳрамонликлари акс этган лавҳалар намоиши қилинади. Мардлик, овоз Ватан, тинчлик тараннум этилган шiorлар-

дан юраклар жунбушга келади. Боғ йўлаклариди 1941 — 1945 йиллардаги муҳит акс этган. Қўмондонлик штаби, окоп ва блиндажлар, тиббиёт пункти, дала ошхонаси қурилган, Иккинчи жаҳон уруши давридаги ҳарбий техникалар, қурол-аслаҳалар намуналари жойлаштирилган. Катта павильонда 30 тоннадан 46 тоннагача бўлган танклар турибди. Жанг майдонларида аскарларимиз кўрсатган мардлик ҳамда жасорат, урушдан қайтмаган минглаб юрдошларимизнинг муқаддас хотираси, ота-боболаримизнинг фронт орти меҳнат фаолияти акс этган.

Президентимиз ушбу масканга ташриф буюриб, уруш йилларидаги экспонатларни кўздан кечирди. Иккинчи жаҳон уруши йилларида мазкур қурол-аслаҳалардан фойдаланилган. Баҳаво, салқин ушбу жойда кексаларга юксак ҳурмат ва иззат кўрсатилди. Давлатимиз раҳбари бу ерда яратилган шарт-шароитлар билан яқиндан танишди. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларининг ҳар бири билан кўришди, дилдан сўхбатлашди.

Сўз Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевга берилди.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ 9 МАЙ — ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ НУТҚИ

Ассалому алайкум, азиз юрдошлар! Мухтарам фахрийлар! Хурматли меҳмонлар! Бугун жонажон Ватанимизда 9 май — Хотира ва Қадрлаш куни, Иккинчи жаҳон урушида қозонилган буюк Ғалабанинг 73 йиллиги кенг нишонланмоқда.

Ана шу кутлуг айём билан сизларни, сизлар орқали кўп миллатли бутун халқимизни чин қалбимдан муборакбод этаман. Барчангизга ўзининг чуқур ҳурмат-эҳтиромим ва эзгу тилақларини билдираман.

Сиз, азизларни биз фашизмга қарши мардона курашган, буюк Ғалабага бекиёс ҳисса қўшган, Ватанимизнинг ҳақиқий қаҳрамонлари, деб биламиз ва сизлар билан чексиз фахрланамиз.

Сизларнинг бугун ораמידа мана шундай нуруний бўлиб, дуоғўй бўлиб юришларингиз биз учун, албатта, катта бахт, катта давлатдир.

Ҳаммамизга аёнки, бу дунёда тинчлик ва омонлик, бахту саодат барқарор бўлиши учун инсон ўзини аямасдан кураш олиб бориши, фидоқорона меҳнат қилиши керак. Сизларнинг юксак жасорат ва матонатингиз, бутун ҳаётингиз бунга яққол мисол бўла олади.

Бугун фашизмга қарши курашда халқ бўлган минглаб ватандошларимизнинг сўнмас хотирасини ёд этиб, уларнинг руҳи покларига ҳурмат баҳо келтириш — биз учун ҳам қарз, ҳам фардир.

Қонли жанг майдонларида мардлик кўрсатган, фронт ортида меҳнат қилиб, бугун ҳаётимизга файз бағишлаб юрган мухтарам фахрийларимиз олдига барчамиз бош эгиб таъзим қиламиз.

Айни вақтда мустақил Ватанимиз озодлиги, эл-юрт тинчлиги йўлида халқ бўлган жасур ҳарбийларимизнинг номларини ҳам ҳурмат ва эҳтиром билан эса оламиз. Уларнинг оила аъзолари, фарзандларига эътибор ва ғамхўрлик кўрсатишни ўзимизнинг муқаддас бурчимиз, деб биламиз.

Азиз ва мухтарам дўстлар!

Иккинчи жаҳон уруши, ҳақиқатан ҳам, инсоният тарихидаги энг дахшатли, энг қонли киргин бўлган эди. Бу уруш халқимиз бошига қандай оғир азоб-уқубат ва талафотлар, беҳисоб қўронлар келтирганини эл-юртимиз ҳеч қачон унутмайди.

Албатта, бу ҳақда жуда кўп гапириш мумкин. Рухсатингиз билан, мэн, тақдор бўлса ҳам, фақат баъзи мисолларга тўхталиб ўтмоқчиман.

Уруш арафасида Ўзбекистонда 6,5 миллион аҳоли яшаган бўлса, шундан 1 миллион 500 мингдан зиёди фронтга сафарбар этилган. Бу ўша пайтдаги халқимизнинг 22 фоизини, меҳнатга яроқли аҳолининг эса 40 — 42 фоизини ташкил этарди.

Меҳрибон ота-онасини, азиз фарзандларни, табаррук она-юрт туپроғини ҳимоя қилишга отланган бу отир инсонлар кечаю кундуз қон кечиб, Москвадан то Берлингача бўлган оловли йўллари қаҳрамонларча босиб ўтдилар.

Урушда ўзбекистонлик жангчилардан 500 мингдан кўпроғи — фронтга сафарбар этилганларнинг ҳар учтасидан бири ҳалок бўлди, 60 мингдан ортиқ ҳаюртимиз ноғирон бўлиб қолди.

Бу ёвуз уруш тўғрисида қанча-қанча оилалар ўз боқувчисидан ажралди, гўдаклар етим, аёллар бева бўлиб қолди. Ўз жигарбандидан жудо бўлган минг-минглаб оналар қалбидида алам ва изтиробни ифода этишга сўз ожиз.

Эл-юртимизнинг буюк Ғалабага қўшган улкан ҳиссаси ҳақида гапирар эканмиз, куйидаги рақамларга алоҳида тўхталиш ўринли, деб ўйлайман. **Урушда қатнашган 120 мингдан ортиқ Ўзбекистон фарзанди жанговар ордон ва медалларга сазовор бўлган. Уларнинг 280 нафари Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони билан, 82 нафари эса учала даражадаги "Слава" ордони билан мукофотланган.**

Уруш йилларида Ўзбекистон фронтининг мустаҳкам таъминот базасига айланди. Юртимиздаги sanoat корхоналари ҳарбий соҳага мослаштирилди,

барча имкониятлар фронт учун, ғалаба учун сафарбар этилди.

Улкамизга эвакуация қилинган юздан зиёд завод ва фабрикаларни ишга туширишда ишчи ва муҳандислар билан бирга аёллар ва кексалар, ўспирин болалар мардлик ва матонат билан меҳнат қилдилар.

Уруш даврида халқимиз томонидан фронтга 2 мингдан зиёд самолёт, кўплаб қурол-яроғ, юзлаб ҳарбий-санитария поездлари, дала ошхоналари, палаткалар, жуда катта миқдордаги озиқ-овқат, кийим-кечак ва бошқа зарур маҳсулотлар етказиб берилди.

Ўзбекистон меҳнаткашлари тўплаган маблаглар ҳисобидан ўнлаб ҳарбий самолёт ва танклар, жанговар машиналар барпо этилди.

1941 — 1945 йилларда мамлакатимиз собиқ Иттифок миқёсидаги улкан госпиталда қайта тикланган мажмуа азиздан халқимизга хос бўлган, тобора мустаҳкам бўлиб бораётган бағрикенглик ва ҳамжихатлик, саховат ва олижаноблик фазилатларининг ёрқин тисмоли бўлиб қолди.

Азиз дўстлар!

Иккинчи жаҳон уруши йилларида халқимиз кўрсатган мардлик ва олижаноблик ҳақида кўплаб илмий ва бадиий асарлар яратилганини, албатта, миннатдорлик билан таъкидлаймиз.

Шу билан бирга, эл-юртимизнинг буюк Ғалабага қўшган улкан ҳиссаси хали тўла очиб берилмаган, десак, бу ҳам адолатдан бўлади.

Бугунги фурсатдан фойдаланиб, мэн тарихчи олимларимизга, адабиёт ва санъат арбобларига, кенг жамоатчилигимизга бир тақдир билан мурожаат қилмоқчиман. Бу дахшатли урушда қатнашган ота-боболаримизнинг қаҳрамонлиги ҳақида янги-янги асарлар яратилш, жумладан, аниқ тарихий ҳужжатлар асосида муқамал китоб-альбом тайёрлаб, нашр этишининг, ўйлайманки, вақти-соати келди.

Ҳақиқатан ҳам, **униб-ўсиб келаётган ёш авлодимиз сифатидан балосига қарши курашда жасур аждодларимиз кўрсатган мардлик ва матонатни асло ёдидан чиқармаслиги керак.**

Бундан ташқари, эл-юртимизнинг марказида қайта тикланган мажмуа азиздан халқимизга хос бўлган, тобора мустаҳкам бўлиб бораётган бағрикенглик ва ҳамжихатлик, саховат ва олижаноблик фазилатларининг ёрқин тисмоли бўлиб қолди.

Азиз дўстлар!

Иккинчи жаҳон уруши йилларида халқимиз кўрсатган мардлик ва олижаноблик ҳақида кўплаб илмий ва бадиий асарлар яратилганини, албатта, миннатдорлик билан таъкидлаймиз.

Шу билан бирга, эл-юртимизнинг буюк Ғалабага қўшган улкан ҳиссаси хали тўла очиб берилмаган, десак, бу ҳам адолатдан бўлади.

Бугунги фурсатдан фойдаланиб, мэн тарихчи олимларимизга, адабиёт ва санъат арбобларига, кенг жамоатчилигимизга бир тақдир билан мурожаат қилмоқчиман. Бу дахшатли урушда қатнашган ота-боболаримизнинг қаҳрамонлиги ҳақида янги-янги асарлар яратилш, жумладан, аниқ тарихий ҳужжатлар асосида муқамал китоб-альбом тайёрлаб, нашр этишининг, ўйлайманки, вақти-соати келди.

Ҳақиқатан ҳам, **униб-ўсиб келаётган ёш авлодимиз сифатидан балосига қарши курашда жасур аждодларимиз кўрсатган мардлик ва матонатни асло ёдидан чиқармаслиги керак.**

Бу тарихий ҳақиқатни уларга тўла етказиш, фарзандларимизни миллий гуруру ва ифтихор руҳида, ватанпарварлик руҳида тарбиялашда барча мутасадди ташкилотлар, олимларимиз, ижодкор зиёлиларимиз фаол иштирок этишлари, деб ишонаман.

Қадри юртдошлар!

Бугун азим пойтахтимиз Тошкент шаҳрида, барча вилоят ва туманларда эл-юртимиз Хотира майдонларини зиярат қилиб, урушда халқ бўлган ватандошларимизни ёд этмоқда. Мухтарам фахрийларимиз билан самимий учрашувлар ўтказилиб, уларга мукофотлар, ордонлар, медаллар таъин қилинмоқда.

Ҳаммамиз яхши тушунагимиз, кексаларимиз, муътабар отахон ва онахонларимизни рози қилсак, бутун халқимиз, жамиятимиз биздан рози бўлади. Уларнинг табаррук дуолари — бу, аввало, эл-юртимизнинг дуоси, десак, ҳар томонлама тўғри бўлади.

Шу муносабат билан таъкидлаб айтмоқчиман — кекса авлод вакилларига эътибор ва ғамхўрликни қўчайтириш, уларнинг ижтимоий таъминоти, тиббий хизматдан фойдаланиши, маиший шароитларини яхшилаш, ҳурматли фахрийларимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, эъзозлаш ва ардоқлаш бундан бун ҳам эътиборимиз марказида бўлиб қолди.

Албатта, мана шу кутлуг байрам кунларида, миғ-яшил табиат бағрида, мусаффо осмон остида туриб, **ҳар биримиз тинч ва овоз дахтнинг қадрини, аҳамиятини янада чуқур ҳис этмоқдамиз.**

Лекин, миғ-абсуски, дунёнинг турли минтақаларида кескинлик ўчоқлари кўпайиб бормоқда. Бу ҳам айни ҳақиқат. Шундай мураккаб даврда тинчлик учун кураш чиндан ҳам энг долзарб вазифага айланмоқда.

Шунинг учун биз яқин ва узоқ қўшниларимиз билан ўзаро манфаатли алоқаларни қўчайтирмоқдамиз. Айниқса, минтақамизда дўстлик ва ҳамкорлик руҳини мустаҳкамлаш бўйича катта ишларни амалга ошираётганимиз

сизларга яхши маълум. Жумладан, жафокаш Афғонистон заминиди салкам 40 йилдан бунён давом этётган можорони тинч йўл билан ҳал этиш борасидаги ташаббусларимиз халқро ҳамжамият томонидан кенг қўллаб-қувватланмоқда.

Минтақамиздаги тинчлик ва тараққиёт барчамизнинг биргаликдаги саяёҳаракатларимизга боғлиқ. Шу маънода, бугун Марказий Осиё давлатлари ўзаро ҳамкорлик алоқаларини янги босқичга кўтаришга интилаётгани гоёт муҳим аҳамиятга эга.

Айни пайтда Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, сарҳадларимиз дахлсизлигини сақлаш, халқро терроризм, экстремизм, наркотрафик каби хатарларга қарши курашиш бош вазифамиз бўлиб қолади. Бу борада Қўроли Кўчаларимизнинг жанговар салоҳиятини ошириб, тинчлик ва хавфсизлик йўлида олис ва яқин давлатлар билан ҳамкорликни янада қўчайтирамиз.

Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистонни хайрихоҳлик билан қўллаб-қувватлаб келаётган, бугунги давраимизда иштирок этётган дипломатик корпус вакилларига, барча хорижий меҳмонларимизга юксак ҳурмат ва эҳтиром билдирамиз. Уларнинг мамлакатлари ва халқларига ўз номидан, эл-юртимиз номидан тинчлик ва равақ тилашга ижозат бергайсиз.

Қадри ва мухтарам ватандошларим! Сиз, азизларни кутлуг байрам — Хотира ва Қадрлаш куни билан яна бир бор чин қалбимдан табриқлайман.

Ҳаммангизга сийҳат-саломатлик, хонадонларингизга файзу барақа тилайман. Дунёдаги энг катта бахт — фарзандлар, набираларининг бахту камолини қўриш барчангизга насиб этсин.

Юртимиз тинч, халқимиз омон бўлсин!

Осмоимиз доимо мусаффо бўлсин!

(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ АҚШГА РАСМИЙ ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Америка Қўшма Штатлари Президенти Дональд Трампнинг тақлифига биноан 2018 йил 15 — 17 май кунлари илк расмий ташриф билан АҚШда бўлади.

Олий даражадаги музокараларда Ўзбекистон — АҚШ ҳамкорлигининг ҳолати ва уни ривожлантириш истиқболларини муҳокама қилиш, халқро ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан фикр алмашиш режалаштирилган. Вашингтонда давлатимиз раҳбари, шунингдек, АҚШ Конгресси, Мудофаа вазирлиги ва Давлат департаменти ҳамда Жаҳон банкида икки томонлама учрашувлар ўтказилади.

Расмий ташриф якунида икки мамлакат Президентлари «Ўзбекистон ва Америка Қўшма Штатлари: стратегик шериклик янги даврининг бошланиши» деб номланган Қўшма баёнотни имзолаши, турли соҳалардаги ўзаро муносабатларни янада мустаҳкамлашга қаратилган ҳужжатлар тўпламининг қабул қилиниши кутилмоқда.

Ў.А.

ҲАЁТИ — ИБРАТ, СЎЗИ — ҲИКМАТ

Ўтганлар хотирасини ёд этиш, табаррук ёшдаги кексаларни қадрлаш, уларга ғамхўрлик кўрсатиш азалий қадриятларимизга уйғунлиги билан янада аҳамиятлидир.

Хусусан, Президентимизнинг "Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида"ги Фармони ҳамда "Хотира ва Қадрлаш кунига тайёргарлик қилиш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижроси доирасида мамлакатимизнинг барча гушасида уруш ҳамда меҳнат фахрийлари ҳолидан хабар олиниб, уларга алоҳида эҳтиром кўрсатилмоқда.

Жумладан, Қорақалпоғистон Республикасида ҳам ушбу санага кизгин ҳозирлик қилинди. Асосий тадбир Нукус шаҳридаги Хотира

садолари остида майдондаги Мотамсаро она ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйилди.

— Биз, уруш фахрийларига юксак ғамхўрлик кўрсатилмоқда, — дейди Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, чимбойлик отахон Торенияз Абулов. — Президентимизнинг тарих хати, тилла соат ҳамда 5 миллион сўм пул мукофотини қабул қилиб олдик. Бундай эътибордан бошимиз осмонга етди. Бунинг учун чексиз миннатдоримиз.

(Давоми 2-бетда).

«СИЗЛАРНИНГ БУГУН ОРАМИЗДА МАНА ШУНДАЙ НУРОНИЙ БЎЛИБ, ДУОГЎЙ БЎЛИБ ЮРИШЛАРИНГИЗ БИЗ УЧУН, АЛБАТТА, КАТТА БАХТ, КАТТА ДАВЛАТДИР»



◀ (Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Давлатимиз раҳбари уруш ҳамда меҳнат фахрийларини Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 73 йиллиги билан муборакбод этди.

Таъкидланганидек, уруш йилларида мамлакатимиз аҳолиси 6,5 миллион бўлган. Шундан 1,5 миллион киши урушда қатнашган. Бу ўша пайтда меҳнатга яроқли аҳолининг 42 фоизини ташкил қилган. Меҳрибон ота-онаси, азиз фарзандлари, табарруқ она-тупроғини ҳимоя қилишга отланган жангчиларимиздан 500 минг нафаридан ортиги ҳалок бўлди. Бу ёвуз уруш туйғайли қанчадан-қанча оилалар боқувчисидан айрилди. Болалар етим, аёллар бева қолди. Уз фарзандларидан жудо бўлган оналарнинг изтиробини сўз билан ифодалаш қийин. Урушда қатнашган 120 мингдан ортиқ юртдошларимиз турли жанговар ордон ва медаллар билан тақдирланди.

Уруш йилларида халқимиз бағрикенглик, одамийлик, муруват, саоват каби бебаҳо хислатлари билан бутун дунёда донг таратди. Зеро, ўша йиллари Ўзбекистон фронтнинг мустаҳкам таъминот базасига айланди. Барча имконият фронт учун, ғалаба учун сарфланди. 100 дан ортиқ миллатлар ва-

килларида бир миллион нафарга яқин одамлар юртимизга эвакуация қилинди. Халқимиз уларни бағрикенглик билан қутиб олиб, бошини силади, ўз уйдан жой берди. Жумладан, икки юз мингдан зиёд болаларни "Сен етим эмассан" деб оиласи бағрига олган, бир бурда нонини улар билан баҳам қуриб, ўз болалари қатори вояга етказган эди. Дунё тарихидаги энг даҳшатли, энг қонли қиргин бўлган Иккинчи жаҳон уруши бутун инсониятга мислсиз йўқотишлар, талафоту мусибатлар олиб келди.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида тошкентлик Шомаҳмудовлар оиласи 14 нафар, катта-қурғонлик Самадовлар оиласи 12, бухоролик Жўраев ҳамда Ашурхўжаевлар оиласи 8 нафардан болани ўз бағрига олган. Хотира ва Қадрлаш куни нишонланаётган шу кунларда Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан пойтахтимиздаги Халқлар дўстлиги майдонида тошкентлик темирчи Шомаҳмудовлар оиласига бағишланган мемориал монумент қайта ўрнатилди.

Давлатимиз раҳбарининг уруш қатнашчилари ҳақида муқаммал ахборот-альбом тайёрлаб, нашр этиш ҳақидаги таклифи юксак мамнуният билан қўллаб-қувватланди. Зеро, тарихий ҳақиқатни тик-

лаш бугун ўсиб келаётган ёшларимизни ҳақиқий ватанпарвар, азалий кадрларимизга садоқат руҳида тарбиялашга хизмат қилади.

Саҳна ортидаги улкан мониторида Иккинчи жаҳон уруши йилларидаги ҳаёт акс эттирилган лавҳалар намойиш қилинади. Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган санъат арбоби Туроб Туланинг "Она монолоғи" янграйди. Машҳур суҳандон Юрий Левитанинг уруш бошлангани тўғрисидаги эълонни ўқиган овози янграйди. Йигитлар Ватан ҳимоясига отланади. Саҳнада Иккинчи жаҳон уруши воқеаларига бағишланган манзаралар тасвирланади.

Таъкидлаш жоизки, бу йилги Хотира ва Қадрлаш куни тад-

фидо қилган боболаримизни хотирлаш, бугун орамизда бўлган фахрийларимизнинг кўнглини кўтариш, умрига умр қушишдек олижаноб мақсад қўзланган. Зеро, уларнинг қаҳрамонлиги қалбларимизга фахр туйғусини бағишлайди.

Байрам дастурида атоқли шоир ҳамда санъаткорларимизнинг шеър ва қўшиқларига кенг ўрин берилган. Хотира ва Қадрлаш куни мазмун-моҳиятига мос тушган. Ҳамид Олимжоннинг "Фашизм балоси", Зулфиянинг "Жангга кетди", "Сен етим эмассан" шеърларининг муаллифлардан ёзиб олинган парчалари эшиттирилганда, дилларга титроқ тушди. ...Туроб Туланинг "Қасос

гит омон бўлса", Константин Симоновнинг "Сиди мена", Яков Галицкийнинг "Синий платочек" шеърларига басталанган қўшиқлар янгради.

Президентимизнинг уруш фахрийлари ёнига бориб, улар билан самимий сурашгани, саломатлиги билан қизиққани тадбирга узгача фойз ва шукҳ бағишлади. Қўзларида шашқатор ёшлар билан дуога қўл кўтарган нурунийларнинг эзгу тилаклари кўнгилларга қувонч бахш этди. Шўх қўшиқлар бошлангач, навқирон йигитлардек завқу шавқ билан уйинга тушиб кетган нурунийларга ҳавас билан қарайсиз.

— Юртбошимизга мингданмиг раҳмат, — дейди тантана иштирокчиси, уруш ва меҳнат

қадар кўтарди. У кишининг табиригини эшитиб янада тўқинлашиб кетдим. Давлатимиз раҳбари ўзининг шиддатли ислохотлари, хайри ташаббуслари билан барчамизни хушуд этмоқда. Уруш йилларида халқимизга хос бағрикенглик тимсоли бўлган, турли миллатга мансуб 14 нафар болани тарбиялаган Шомаҳмудовлар оиласига қўйилган ҳайкал илк жойига қайтарилиши, санъат саройи ҳамда метро бекатига "Халқлар дўстлиги" номининг тикланиши, генерал Собир Раҳимов шахсига эҳтиром кўрсатилишидан беҳад мамнун бўлдим. Шавкат Мирзиёев ҳар биримиз билан қўришиб, хол-ахлоқимизни сўрагани бизга куч-қувват, ғайрат бағишлади.

Хоразм вилоятининг Урганч шаҳрида яшовчи Собир Қурбонов ҳам пойтахтимиздаги асосий тантанани тақдирлади. У ўз дил сўзлари билан ўртоқлашиб, шундай дейди:

— Фарзандларим, набираларим: "Тошкентга бораркансиз, Президентимиз сизни ҳам байрамга тақдир қилибдилар", дейишганида, кўзларимга ёш қўйилди. Бундан олдин вилоятимиз ҳокимлигидан вакиллар келишиб, Юртбошимизнинг совға-саломини етказишди. Йўқловнинг, ҳақдорнинг адоғи йўқ. Бугун эса Тошкентга келиб, байрамда қатнашдим. Бундай эъзоздан қувонмай бўладими? Ҳар бир сўзида халқ манфаатини илгари сураётган Президентимиз совға-саломат бўлсин.

Богда ўша замоннинг муҳити яратилгани, қурол-аслаҳалар, танклар, оқолларни қўриб, умримнинг энг жўшқин, айна пайта армонга айланган йилларини эсладим. Инсоният бўлиши мислсиз жабр келтирган урушнинг номи ўчсин. Юртбошимиз айтгандек, мусаффо осмон, тинч замонамизга кўз тегмасин.

— Яратганга беадад шукр, шундай дориланган кунларни кўриш насиб этди, — дейди Иккинчи жаҳон уруши қатнаш-

чиси, Марғилон шаҳрининг Баҳрин маҳалласида яшовчи Дадабой ота Аҳмадалиев. — Маҳалла-қўй, қариндош-уруғ хар куни ҳолимдан хабар олиб турибди. Кўни кеча "Маҳалла" ва "Нуруний" жамағаралари вакиллари уйимга келиб, Президентимизнинг мактубини ўқиб беришди. Шу билан бирга, беш миллион сўм пул мукофоти, тилла соат тақдим этишди. "Қувонч қўшалок келади", деганлари бежиз эмас экан. Бундай эътибори ғамхўрликдан қувониб, дунёларга сиғмай юрганамда, Тошкентда ўтадиган тантанани ҳам тақдирнома келиб қолди. Мана, бугун ўшуб байрамда қатнашиб, яйрадим, қуролдошларим билан дийдорлашдим. Давлатимиз раҳбарининг табригини мароқ билан тинглаб, ўзлари билан қўришдим, меҳрга йўғрилган сўзларидан баҳраманд бўлдим. Бундан ортиқ бахт борми?!

Бу каби дил изҳорлари, ҳаётдан, умрдан миннатдорлик сўзларини бошқа фахрийлардан ҳам эшитиб, қувондим. Зеро, юракнинг туб-тубидан отилиб чиққан бундай фикрлар замирида бугунги тинч ва осойишта кунлардан розилик, Президентимиз олиб бораётган оқилонга сиёсатдан мамнунлик мужассам.

Тадбир ҳарбий оркестр ва миллий ижрочилар иштирокида давом этди. Юртини, тинчликни, дориланган кунларни тараннум қилувчи қўшиқлар янгради.

Кечкурун пойтахтимиз осмони ранго-ранг мушаклардан янада нурафшон бўлди. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги томонидан Ўзбекистон Миллий боғининг "Наврўз" майдонида махсус тўплардан 42 мартаба салют берилди.

9 май — Хотира ва Қадрлаш куни ҳамда Ғалабанинг 73 йиллигига бағишланган тадбирлар бутун мамлакатимиз бўйлаб қизгин нишонланмоқда.

Мақсуд ЖОНИХОНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.



Хасан ПАЙДОЕВ («Халқ сўзи») ва Азиз АБДУЛЛАЕВ (ЎЗА) олган суратлар.

бирларида Иккинчи жаҳон урушида халқимиз тинчлиги ҳамда омонлиги йўлида ўз жони

оламини, Камтарнинг "Фронтдан хат", Ҳабийнинг "Қўрғун келур", Фафур Фуломнинг "Ий-

фахрийси Мадамин ота Чорсанов. — Бизни ўшуб богга ҳасроб, кўнглимизни осмон

ҲАЁТИ — ИБРАТ, СЎЗИ — ҲИҚМАТ

◀ (Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Тадбирда уруш йилларининг муҳиш воқеалари ва халқимизнинг жасорат ҳамда мардликдан ҳикоя қилувчи театрлаштирилган дастур намойиш этилди.

Ҳарбий қўшиқлар садолари барчани **Анджон** шаҳри марказидаги Хотира хиёбони сари қорлади. Йигитлар Мотамсаро она ҳайкали пойига гуллар қўйди. "Хотира китоби" варақлиб, жангҳо-ларда бугунги тинчлик-осойишталик учун жонини қурбон қилган оталаримиз яна бир бор ёд этилди.

— Осойишталикка нима етсин, — дейди Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, Избоскан туманининг Тўраобод қишлоғида яшовчи 98 ёшли Зулунбой ота Мадраимов. — Илоҳим, халқимиз ҳеч қачон уруш кўрмасин. Бугунги дориланган кунлар бардавом бўлсин!

Бу галги байрам тадбирлари **Бухоро**да узгача руҳда нишонланди. Хотира майдони янгитдан барпо қилинди. Миллий услубда қурилган иккита айвон, фаввора, ноёб гуллар унинг қўрғинга ажиб бир шукҳ бағишлаган.

— Хотира майдонининг қайтадан бунёд этилишини биз, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари хурсандчилик билан қарши олдик, — дейди суронли йилларнинг тирик ғувоҳи, уруш ва меҳнат фахрийси Аминжон Аҳмеджонов. — Юртбошимиз ташаббуси билан барпо қилинган бу қадамжо ёшларимизни она-Ватанга садоқат руҳида тарбиялашга, тинчлик ҳамда осойишталикнинг қадрига етишга чорловчи маскан бўлиб қолади. "Ана шундай тинч ва фаровон ҳаётнинг қадрига етинглар", деб неварачеварларимга доимо насихат қиламан.

Жиззах шаҳридаги Хотира хиёбонида бўлиб ўтган тадбирда вилоят ҳокимлиги, жамоат

ташкilotлари вакиллари ҳамда уруш фахрийлари ва фронт ортида меҳнат қилган юртдошларимиз қатнашди.

Унда тинчлик-осойишталикни асраш, оилаларни мустаҳкамлаш, ёшларни баркамол этиб тарбиялашда Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, меҳнат фахрийларининг ҳаётий тажрибаси катта ибрат мактаби экани, уларга эҳтиром кўрсатиш, ўғитларига амал қилиш лозимлиги алоҳида таъкидланди. Мотамсаро она ҳайкали пойига гуллар қўйилиб, тинчлик учун жонини фидо қилган инсонлар яна бир бор ёдга олинди.



Алишер ИСРОИЛОВ (ЎЗА) олган сурат.

Навоий вилоятида ҳам Хотира ва Қадрлаш куни узгача шукҳда нишонланди. Байрам арафасида Президентимизнинг Фармони ҳамда қарори асосида вилоятдаги 51 нафар Иккинчи жаҳон уруши иштирокчиси кулгани, уларга бир марталиқ пул мукофоти, Юртбошимизнинг табриги ва тилла соат

тантанали тарзда топширилди.

Байрамнинг асосий тантаналари вилоят марказидаги Хотира майдонида бўлиб ўтди. Бу ердаги Мотамсаро она ҳайкали пойига гуллар билан тўлди. Муборак номлари олтин саҳифаларга битилган боболаримиз хотираси ёдга олинди.

— Ёш авлод учун бу мўъжаз майдон мардлик ҳамда жасурлик, чинакам ватанпарварлик маскани бўлиб қолади, — дейди Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, айна пайтада 99 бахорни қарши олган Пирназар бобо Турдиев. — Уларнинг кўнглида юртва муҳаббат ва садоқат

соат ҳамда беш миллион сўм миқдоридagi мукофот ва табрик мактуби бу табарруқ инсонларнинг қаддини янада кўтарди.

Айни кунларда Наманган шаҳридаги Хотира майдони ёшлар билан гавжум. Улар бу ердаги айвонларга номи мангуга муҳрланган 37 минг фронтчини зиёрат этиб, фарзандлик бурчини бажаришга яқин. Хиёбондаги Мотамсаро она ҳайкали пойига эса давлат ҳамда жамоат ташкilotлари жамоалари томонидан қўйилган гулчамбарлар билан тўлиб тошди. Хотира ва Қадрлаш кунига

бий техникалар ҳамда қурол-аслаҳалар қурғазмаси, вилоят мусикали драма театри олдидаги сахнада ҳарбий оркестр концерти тадбирга байрамона шукҳ бағишлади.

Шундан сўнг Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва меҳнат фахрийлари Самарқанд шаҳридаги "Боғишамол гарден" ресторанида уюштирилган байрам дастурхонига тақдир қилинди.

Гулiston шаҳрида бўлиб ўтган байрам тадбирлари ҳам Мотамсаро она монументи пойига гул қўйиб, аскар волида сизга хурмат-эҳтиром бажо келтириш маросими билан бошланди. Тадбирда Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, меҳнат фахрийлари, давлат ҳамда жамоат ташкilotлари вакиллари, ёшлар ва маҳаллалар фаоллари ҳозир бўлдилар.

— Юрт озодлиги йўлида жонини фидо этганларнинг жасоратини ёдга олиш, айна пайтада ҳаёт ибрат мактаби бўлиб қўйилган айна шундай кишиларга иззат-икром кўрсатиш, ҳеч шубҳасиз, ёш авлод учун катта ибрат мактаби бўлиб қўйилган мактаб, — дейди Гулистон туманилик меҳнат фахрийси Ёқубжон Мадаминов.

Сурхондарё вилоятида Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларига Президентимиз номидан 5 миллион сўм пул мукофоти, табрик хати ҳамда қимматбаҳо кўл соатлари топширилиб, фронт орти фахрийларига юксак хурмат ва эҳтиром кўрсатилди.

Эрта тонгдан Сурхондарё вилояти ҳокимлиги, ҳуқуқни муҳофаза этиш органлари ходимлари, ҳарбийлар, давлат ҳамда жамоат ташкilotлари вакиллари ва ёшлар Термиз шаҳридаги Мотамсаро она ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйишди.

Шундан сўнг Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ҳамда фронт орти фахрийлари шарафига тўқин дастурхон ёзилди. Тадбирда уруш ва меҳнат фах-

рийларининг жасорати, фидо-ийлиги, олижаноб фазилатлари ёш авлод тарбиясида юксак ибрат намунаси эканлиги таъкидланди. Ватан озодлиги, юрт тинчлигини тараннум қилувчи дилторта қўй-қўшиқлар иштирокчиларга байрамона қайфият улашди.

Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан **Қашқадарё** вилояти марказидаги Хотира хиёбонида давлат ва жамоат ташкilotлари вакиллари, ҳарбийлар, уруш ва меҳнат фахрийлари элимизнинг фидойи фарзандлари хотирасини ёд этиш учун тўпландилар.

Вилоят фаоллари уруш қурбонлари хотирасига чуқур эҳтиром рамзи сифатида Мотамсаро она ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйди.

— Иккинчи жаҳон урушида қурбон бўлган юз минглаб юртдошларимизнинг номи ҳам, жасорати ҳам ҳеч қачон унутилмайди, — дейди "Нуруний" жамағармаси вилоят бўлими раиси Январь Иноятов. — Шунинг учун уларнинг номи мана шу майдондаги "Хотира китоби"га зарҳал харфлар билан мангуга муҳрланган. Мажмуага қолган ҳар бир ватандошимиз уни варақлайди, унда битилган исмларни ўқиб туриб, жасорат, матонат ҳеч қачон унутилмаслигини, юксак кадрланишчи дилдан ҳис қилади.

Кеча **Фарғона** вилояти марказидаги Хотира майдони ҳар кунгидан ҳам гавжум ва фойзли бўлди. Бу ерга уруш ҳамда меҳнат фахрийлари, кенг жамоатчилик вакиллари тўпланди. Ҳуқуқни муҳофаза этиш идоралари, давлат ва жамоат ташкilotлари вакиллари, ёшлар Мотамсаро она монументи пойига гулчамбарлар қўйди.

"Жасмин" тантаналар мажмуасида ташкил этилган байрам дастурхонига вилоятда истиқомат қилаётган Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, меҳнат фахрийлари тақдир-

этилди. Уларга қимматбаҳо эсдалик совғалар топширилди.

Хоразм вилоятида ҳам айём юксак савияда, бугунги дориланган кунларга шукроналик билан кенг нишонланди. Утганлар яна бир бор хотирланди, муҳиш уруш йилларидаги йўқотишлар, оғир азоб-уқубатлар ёдга олинди.

Байрам муносабати билан вилоятда ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Кўча майдонлар Хотира ва Қадрлаш кунига бағишланган паннолар, қурғазмали воситалар билан безатилди. Иккинчи жаҳон урушининг ҳар бир қатнашчиси, фронт орти меҳнат фахрийлари, мустақиллик йилларида хизмат бурчини бажариш чоғида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қиларган органлари ходимларининг хонадонларига борилиб, оила аъзоларига моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилди.

Тошкент вилоятининг маъмурий маркази — Нурафшон шаҳрида бу йил Хотира ва Қадрлаш куни биринчи мартаба кенг нишонланди. Байрамона безатилган шаҳар марказига уруш ҳамда меҳнат фахрийлари, жамоатчилик вакиллари йиғилдилар. Улар иштирокида Мотамсаро она ҳайкали тантанали равишда очилди.

Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда сўзга чиққанлар Иккинчи жаҳон урушида қозонилган тарихий ғалабага пойтахт вилояти вакиллари қўшган ҳисса, мамлакатимизда уруш қатнашчилари ва ногиронларига, кексаларга кўрсатилаётган катта ғамхўрлик ҳақида гапирдилар. Ҳайкал пойига гулчамбарлар қўйилди.

Бугун вилоятда 148 нафар Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси бор. Байрам арафасида уларга Президентимиз номидан пул ҳамда қимматбаҳо совғалар топширилди, хурмат ва эътибор кўрсатилди.

«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

ДЕПУТАТ ФИКРИ

2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Харакатлар стратегияси фуқаролик жамияти институтларининг мамлакатни демократлаштириш ва модернизациялашдаги роли ҳамда аҳамиятини янги босқичга кўтарди. Унга мувофиқ, жамият ва давлат ишларини бошқаришда фуқаролик жамияти институтларининг ролини оширишга қаратилган 10 га яқин норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Очиқ фуқаролик жамияти сари дадил қадам

Президентимизнинг жорий йил 4 майдаги "Мамлакатнинг демократик янгилаш жараёнида фуқаролик жамияти институтларининг ролини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони мана шундай ҳужжатларнинг навбатдагиси бўлди.

Мазкур Фармон билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурда Фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича маслаҳат кенгаши ташкил этилди. Мазкур Маслаҳат кенгашининг асосий вазифаларидан бири сифатида давлат ҳамда фуқаролик жамияти институтларининг тизимли мулоқотини йўлга қўйиш, фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг миллий моделини шакллантириш ва давлат органларининг фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлиги механизмининг, шунингдек, бундай ҳамкорлик даражасини баҳоловчи кўрсаткичларни ишлаб чиқиш белгиланган.

Фармонда фуқаролик жамияти институтларини янада ривожлантириш, уларни иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ҳамда "учинчи сектор"да банд бўлган аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш борасида қатор имтиёзлар белгила берилди. Хусусан, 2018 йил 1 июндан бошлаб нодавлат нотижорат ташкилотларига халқаро ва хорижий ташкилотлар, чет давлатларнинг фуқароларидан келиб тушган пул маблағларидан ҳамда мол-мулкдан, уларни олиш рўйхатдан ўтказувчи орган билан келишилгандан сўнг, бирон-бир тусиқларсиз фойдаланилади. Нодавлат нотижорат ташкилотлари учун ягона ижтимоий тўлов ставкаси миқдори 25 фоиздан 15 фоизгача камайтирилди. Муқаддам жамоат фондлари хар йилги маъмурий хара-

жатларининг, шунингдек, вазийлик кенгаши ва тафтиш комиссияси аъзоларига тўланадиган ҳақ ҳамда уларнинг ўз вазифасини бажаришлари билан боғлиқ харажатларини компенсация қилиш фонд харажатлари суммасининг 20 фоиздан ошмаслиги ўрнатилган бўлса, эндиликда ушбу миқдор 30 фоиз этиб белгиланди. Яъни жамоат фондларига ўзларининг фаолиятини ташкил қилиш учун кўпроқ маблағ жалб этишга руҳсат берилмоқда. Яна бир аҳамиятли жиҳати, нодавлат нотижорат ташкилотларининг пенсионер ходимларига пенсия тўлиқ тўланиши белгиланди.

Таъкидлаш лозимки, бугунги кунда нодавлат нотижорат ташкилотларини давлат томонидан назорат қилишнинг аниқ механизми йўқ. Бу эса уларнинг фаолиятини назорат этувчи органлар томонидан турли давр оралиғида ҳамда турли шаклларда назорат қилиш имконини яратди. Айнан шунинг учун Фармонда Адлия вазирлиги нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини мониторинг қилиш ва ўрганиш турлари, мuddатлари, даврийлиги ва бошқа тартиб-таомилларини назоратда тўтувчи тартибни ишлаб чиқишга масъул этиб белгиланди.

Бундан ташқари, Адлия вазирлигига манфаатдор вазирлик ҳамда идоралар билан биргаликда нодавлат нотижорат ташкилотлари тақдим қиладиган ҳисобот шакллари ва уни тақдим этиш тартибини содда-лаштириш, шунингдек, улар томонидан қонун ҳужжатларини бузганлик учун маъмурий ундирувларни қайта кўриб чиқиш, сезиларли даражада қискартириш бўйича тақлифлар киритиш юклатилди.

Масалан, бугунги кунда давлат

солиқ органларига ҳисоботларни ўз вақтида тақдим қилмаслик 500 миңг сумгача жарима солишига сабаб бўлса, нодавлат нотижорат ташкилотларининг рўйхатдан ўтказувчи органга ҳисоботларни ўз вақтида тақдим этмаслиги 5 миллион сумгача, яъни ўн баравар кўп миқдорда жаримага тортишга сабаб бўлади. Вахолонки, нодавлат нотижорат ташкилотларида моддий ресурслар чекланган бўлиб, улар таъсисчи ҳамда аъзолар

ташкilotлари уйлари"ни ташкил қилиш, мазкур биналарга нодавлат нотижорат ташкилотларини ижра тўловининг "ноль" ставкасини қўллана ҳолда жойлаштириш топширилди.

Фармон нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳуқуқ ҳақида қонуний манфаатларини таъминлашда маҳаллий вакиллик органларининг ролини оширишга қаратилганлиги билан ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Жумла-

дан, Қорақалпоғистон Республикаси Жўкорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар (шаҳарлар) Кенгашларида нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари масалалари бўйича доимий фаолият юритувчи комиссияларни ташкил қилиш, нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини ривожлантиришга, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини муҳофаза этишни таъминлашга доир масалалар юзасидан маҳаллий давлат ҳокимияти органлари раҳбарларининг эшитувларини ташкил қилиш тақлиф илгари сурилди.

Ушбу ҳужжатда нодавлат нотижорат ташкилотлари вакилларининг мамлакат ривожига учун қўшган ҳиссасини эътиборга олиш, уларнинг бундай саъй-ҳаракатларини рағбатлантириш назарда тутилди. Жумладан, "Фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун" кўкрак нишонни таъсис қилиниб, у мамлакатда нодавлат нотижорат секторини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшган жамоат тузилмалари вакилларига ҳамда ташаббускор фуқароларга фуқаролик жамиятини шакллантириш ва ривожлантиришга қатта таъсир кўрсатган фуқароларга ютуқлари учун топширилади.

Айтиш жоизки, нодавлат нотижорат ташкилотларининг ўз фаолиятини олиб боришлари учун зарур бино ҳамда иншоотларга эга эмасликлари уларни ташвишга солаётган масалалардан бири эди. Шу сабабли Фармонда тегишли мутасадди идора ва ташкилотларга 2019 йил 1 январгача бўлган мuddатда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳри марказларида бўшаб ётган ва самарали фойдаланилмаётган давлат мулки объектлари негизда "Нодавлат нотижорат

Умуман олганда, мазкур ҳужжат нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатларини янада мустаҳкамлаш баробарида, уларни иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан ҳам қўллаб-қувватлайди. Айни чоғда муҳим давлат қарорларини қабул қилишда фуқаролик жамияти институтларининг роли ҳамда таъсирини кучайтиради.

Жаҳонгир ШИРИНОВ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати.

Иқтидорли ёшларимизнинг яна бир муваффақияти

Жорий йил 23 – 29 апрель кунлари Беларуснинг Минск шаҳрида кимё фани бўйича ўтказилган 52-халқаро Менделеев олимпиадасида иқтидорли ёшларимизнинг яна бир муваффақиятига гувоҳ бўлдик. 22 давлатдан 130 дан ортиқ ўқувчилар қатнашган мазкур нуфузли олимпиадада фарзандларимиз иккита кумуш, тўртта бронза — жами олтита медални қўлга киритди.



ИФТИХОР

Уларнинг бу натижаси Марказий Осиёдан иштирок этган мамлакатлар жамоалари орасида энг яхшисидир. Айтиш жоизки, иккита назаар ва битта амалий босқичдан иборат ушбу олимпиадада МДХ, Болтиқ-бўйи ҳамда Жануби-Шарқий Европа давлатлари, шунингдек, Саудия Арабистони ва исроиллик ёшлар ўз билим-

ларини синовдан ўтказишди. — Тиббиёт, математика, астрономия каби соҳалар ривожига тамал тошини қўйган. Абу Али ибн Сино, Муҳаммад Хоразми, Абу Райхон Беруний, Аҳмад Фарғоний, Мирзо Улуғбек сингари улў аждодларимиз билан доимо фахрланиб юрамиз, — дейди кимё фани бўйича ўтказилган 52-халқаро Менделеев олимпиада-си совриндори, Тошкент педиатрия тиббиёт институти-нинг Юнусобод академик лицейи ўқувчиси Дилдора Ҳакимбоева. — Қалбимиздаги гурур ва ифтихор туйғуси бизни уларга муносиб бўлиш учун интилишга қуч-ғайрат бермоқда. Олимпиадада қайд этган натижамиз бунинг ифодаси бўлди.

Д. Йўлдошев.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРАЛАР ТОМОНИДАН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУҶЖАТЛАРНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2018 ЙИЛ 31 МАРТДАН 6 АПРЕЛГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТНИ ХАБАР ҚИЛАДИ.

- 1. Давлат рўйхатидан ўтказилди: 1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 17 мартдаги 9/3-сон "Тижорат банклари томонидан банк кафолатларини бериш тартиби тўғрисидаги низомага ўзгаришлар киритиш ҳақида"ги қарори. 2018 йил 3 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2364-3 (2018 йил 3 апрелдан қучга кирди). 2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 17 мартдаги 9/8-сон "Тижорат банкларининг ички аудитига Марказий банк томонидан қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низома-нинг 42-бандига ўзгариш киритиш ҳақида"ги қарори. 2018 йил 3 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 992-4 (2018 йил 3 апрелдан қучга кирди). 3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 17 мартдаги 9/9-сон "Бир қара олдуни ёки бир-бирига дахлдор қара олдуларни гуруҳи учун тавақалчиликнинг энг қўл миқдорлари тўғрисидаги низома ўзгаришлар киритиш ҳақида"ги қарори. 2018 йил 3 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2707-2 (2018 йил 3 апрелдан қучга кирди). 4. Ўзбекистон Республикаси солиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 27 мартдаги 17-сон "Дори воситаларини ва тиббий буюмларни тайёрлаш, сақлаш, уларнинг сифатини назорат қилиш ҳамда уларни расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги низома тасдиқлаш ҳақида"ги буйруғи. 2018 йил 3 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2990 (2018 йил 4 июлдан қучга кирди). 5. Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш давлат инспекциясининг 2018 йил 29 мартдаги 5, 7-сон "Қўланиладиган технологиялар ва асбоб-ускуналарнинг энергия жўлатқин самардорлик кўрсаткичларига мувофиқлиги, шунингдек ёқилгининг муқобил турларидан фойдаланиш тўғрисида ҳулосалар бериш тартиби тўғрисидаги низома тасдиқлаш ҳақида"ги қарори.

- 2018 йил 3 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2991 (2018 йил 3 апрелдан қучга кирди). 6. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Молия вазирлигининг 2018 йил 7 мартдаги 12, 56-сон "Муҳтож шахсларни протез-ортопедия буюмлари, реабилитация техника воситалари ва кресло-аравачалар билан таъминлаш тартиби тўғрисидаги низома ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қарори. 2018 йил 3 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2801-1 (2018 йил 4 апрелдан қучга кирди). 7. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 23 мартдаги 10/9-сон "Юридик шахслар томонидан миллий валютасидаги корпоратив банк карталаридан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомага ўзгаришлар киритиш ҳақида"ги қарори. 2018 йил 3 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1470-2 (2018 йил 4 апрелдан қучга кирди). 8. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Қасб-хўнара таълими маркази, Халқ таълими вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлигининг 2018 йил 16 мартдаги 6-2018, 3/қ, 2-м, 9-қ/к, 10, 65-сон "Таълим муассасалари ва корхоналар ўртасидаги шориклик муносабатлари тўғрисидаги низома тасдиқлаш ҳақида"ги қарор, шунингдек унга ўзгаришларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисидаги қарори. 2018 йил 3 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1832-2 (2018 йил 4 апрелдан қучга кирди). 9. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 24 февралдаги 7/7-сон "Микрокредит ташкилотларида ҳўхгалория ҳисоби ҳисобларлари рожасига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қарори. 2018 йил 5 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1639-2 (2018 йил 5 апрелдан қучга кирди). 10. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Молия вазирлигининг 2018 йил 27 февралдаги 2-2018, 40-сон "Олий таълим муассаса-

- ларининг бюджетдан ташқари маблағлари (тулов-контракт асосида ўқитиш учун тушувларининг фақат тулов-контракт миқдорининг оширилган қисми) ҳисобидан академик лицейлар учун ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари, сарфлаш материаллари, компьютер техникаси, дарсликлар ва ўқув қўлланмалари сотиб олиш ҳамда академик лицейларнинг ўқитувчи ва ўқувчиларини моддий қўллаб-қувватлаш тартиби тўғрисидаги низома тасдиқлаш ҳақида"ги қарори. 2018 йил 5 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2992 (2018 йил 5 апрелдан қучга кирди). 11. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Молия вазирлигининг 2018 йил 27 февралдаги 3-2018, 33-сон "Академик лицейларда имтиёзли оватлантиришни ташкил қилиш ҳамда харажатларини қисман қоплаш учун ота-оналар тўловини тулаш тартиби тўғрисидаги низома тасдиқлаш ҳақида"ги қарори. 2018 йил 5 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2993 (2018 йил 6 июлдан қучга кирди). 12. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлигининг 2018 йил 16 мартдаги 64, 2018-24, 9-сон "Янги ташкил этилган микрофирма ва кичик корхона-га ягона солиқ тўловини тулаш мuddатини чекиртириш ҳўхқини бериш тартиби тўғрисидаги низома тасдиқлаш ҳақида"ги қарорга ўзгаришлар киритиш тўғрисида"ги қарори. 2018 йил 5 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1502-3 (2018 йил 5 апрелдан қучга кирди). 13. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 17 мартдаги 9/4-сон "Ломбардлар томонидан ҳисоботлар тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низома тасдиқлаш ҳақида"ги қарор, шунингдек унга ўзгаришларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида"ги қарори. 2018 йил 5 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1289-2 (2018 йил 6 июлдан қучга кирди). 14. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 17 мартдаги 9/5-сон "Микрокредит таш-

килотлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига молиявий ҳисоботларни ва электрон маълумотларни тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низома тасдиқлаш ҳақида"ги қарор, шунингдек унга ўзгаришларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида"ги қарори. 2018 йил 5 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2322-2 (2018 йил 6 июлдан қучга кирди). 15. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 17 мартдаги 9/6-сон "Микрокредит ташкилотлари ва ломбардлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига молиявий ҳисоботлар ва электрон маълумотларни тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низома тасдиқлаш ҳақида"ги қарори. 2018 йил 5 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2994 (2018 йил 6 июлдан қучга кирди). 16. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 3 февралдаги 4/2-сон "Банкларнинг депозит (омонат) сертификатларини чиқариш ва муомалада бўлиш тартиби тўғрисидаги низомага ўзгаришлар киритиш ҳақида"ги қарори. 2018 йил 5 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1859-4 (2018 йил 5 апрелдан қучга кирди). 17. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2018 йил 29 мартдаги 67, 2018-68-сон "Газ экспорти ва транзитдан тушадиган валюта тушувларини сотишдан олиннадиган маблағларни тақсимлаш ҳақидаги низома тасдиқлаш тўғрисида"ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида"ги қарори. 2018 йил 5 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1935-1 (2018 йил 5 апрелдан қучга кирди). 18. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2018 йил 29 мартдаги 68, 2018-31-сон "Ўзбекнефтегаз" МХК корхоналари ва ташкилотлари ҳисоббарқардоридан тўловларни амалга ошириш ва уларга Ўзбекистон "Ўзкоммункизма" агентлигининг худудий газ таъминоти корхоналаридан тушадиган тўловлари тўғрисидаги низома-

БИЗ ва ЖАҲОН

Парижда Ўзбекистон китобларининг тақдими

Авал хабар қилганимиздек, шу кунларда Ўзбекистондаги Ислон цивилизацияси маркази, Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази ва Ўзбекистон халқаро ислом академияси вакилларидан иборат делегация Францияда бўлиб турибди. Мақсад хорижликларни Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг қуламли ислохотлар билан таништиришдир. Ана шу эзулиққа қаратилган тадбирлардан бири Франциянинг тиллар ва цивилизация кутубхонасида бўлиб ўтди.

Ушбу кутубхона Марказий Осиё манбалари бўлимига эга бўлган мамлакатдаги ягона маданий муассаса ҳисобланади. Унда дунёнинг 180 та давлатидан келтирилган 350 тилдаги нодир китоблар, қўлёзма-лар, илмий тадқиқот ишлари сақланади. Кутубхона раҳбари Бенжамин Гишарнинг сўзларига қўра, сўнгги йилларда Европада Марказий Осиё минтақасига бўлган қизиқиш ортиб бормоқда. Кутубхонада Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот марказида нашр этилган 15 та китобнинг тақдими бўлиб ўтди. "Марказий

Осиё мамлакатлари ичида Ўзбекистон узининг илмий салоҳияти, фан ва таълимга эътибори билан ахралаиб туради. Мовароуннаҳр уломулари асарлари, хусусан, Имом Бухорийнинг "Саҳиҳи Бухорий" китоби, Ибн Синонинг "Тиб қонунлари", Мирзо Улуғбекнинг "Зижи жадиди Қурағоний", Маҳмуд Замашарийнинг "Муқаддamat ул-адаб" асари қўлёзмалари фондимиизнинг чин маънодаги хазинаси ҳисобланади. Биз ушбу асарларни ўрта-ҳисобда ўзбекистонлик мутахассислар билан ҳамкорлик қилишдан манфаатдормиз", дейди Бенжамин Гишар.

«Жаҳолатга қарши маърифат»

Учрашувлар доирасида Ўзбекистоннинг Париждаги элчихонасида «Жаҳолатга қарши маърифат» мавзуда давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда Франция Миллий Ассамблеяси, Ташқи ишлар вазирлиги, Миллий тадқиқотлар маркази, Франция миллий кутубхонаси, Шарқ тиллари ва маданият институти ҳамда бошқа нуфузли давлат ташкилотлари ходимлари, халқаро экспертлар ва мутахассислар, етакчи шарқшунос ҳамда исломшунос олимлар иштирок этди.

Франция ташқи ишлар вазирининг Дин ишлари бўйича маслаҳатчиси Жан-Кристоф Поссель диний бағрикенгликни таъминлашда Ўзбекистон тажрибасини ўрганиш муҳим аҳамиятга эгалиги, Ўзбекистондаги тинчлик нафарат Марказий Осиё, балки жаҳондаги барқарорликка қучли таъсир кўрсатишни таъкидлади. "Дунёнинг турли мамлакатларида дин номидан содир этилаётган бузуқчиликларни мутлақ олғаб бўлмайди. Ушбу хатти-ҳаракатлар аксарият ҳолларда жамиятнинг эртаниги кучи бўлиши ёшлар томонидан амалга оширилаётгани эса жуда ҳам ачинарли. Бу каби ҳолатларга йўл қўймалик учун биринчи галда ёшларнинг диний саводхонлиги, маърифатини ошириш ўта муҳим", дейди Жан-Кристоф Поссель.



Давра суҳбати қатнашчиларига Ўзбекистонда диний-маърифий соҳада амалга оширилаётган кенг қуламли ислохотлар, қабул қилинаётган Фармон ва қарорларнинг мазмун-моҳияти, мамлакатининг халқаро миқёсдаги ташаббуслари, жумладан, давлатимиз раҳбари томонидан БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида илгари сурилган тақлифлар ҳақида маълумот берилди.

Тадбирда Ўзбекистоннинг сайёҳлик имкониятлари, зиёрат туризмининг ривожлантириш соҳасида амалга оширилаётган юмушлар ҳақида айтиб ўтилди.

Алломалар меросига эҳтиром

Ташриф давомида Франция муулмонлари кенгашида ҳам учрашув бўлиб ўтди. Унда Имом Бухорий, Имом Термизий, Баҳоуддин Нақшбанд, Ибн Сино каби буюк алломаларимиз хоки ётган қадам-жоларни обод этиш, илм-маърифат ва одоб-ахлоққа чақирувчи табарруқ асарларини таржима қилиш соҳасидаги ишлар ҳақида сўз борди.

Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Замашарий, Имом Доримий, Баҳоуддин Нақшбанд, Имом Насафий, Абу Лайс Самарқандий, Бурхониддин Марғиноний каби буюк алломалар бутун инсониятнинг фахридир", дейди Комор ва Фарбий Африка муулмонлари федерацияси бош котиви Ассани Фассаси.

Кенгаш аъзоларининг қайд этишича, Ўзбекистон Президенти ташаббуси билан ташкил қилинган Ислон цивилизацияси маркази, Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази ҳамда Ўзбекистон халқаро ислом академияси каби янги муассасалар муқаддас ислом дини номидан турли бузғунчилик ва қўпуровчиликлар содир этилаётган бугунги мураккаб бир даврда нафақат ўзбек халқи, балки бутун дунё муулмон уммати учун катта фойда келтирди. "Узини муулмонман деган киши борки, Имом Бухорийни ҳўрмат қилади. Демак, Бухорий юрти бўлиши Ўзбекистонга юксак эътибор кўрсатади.

Иштирокчилар Ўзбекистонни зиёрат этиш, улў аждодларимиз меросига бағишланган халқаро конференцияларда қатнашиш истагиди эканини билдирди.

М. УРОҚОВ тайёрлади.

Хабар

БУГУНГИ КУНЛАРГА ЕТИШНИНГ ЎЗИ БЎЛМАГАН

Тинчликни асраш — муқаддас бурч

Уруш майдонларида жасорат кўрсатган, юртимиз тинчлиги ва озодлиги, оиласи, фарзандларининг хотиржамлиги учун курашган инсонларни қанча эъзозласак, шунча кам.



...Пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманидаги Сайрам кўчасида яшовчи, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Хамид ота Воҳидов ҳам ана шундай табаррук инсонлардан. 1942 йили урушга кетиб, Украина, Польша, Германия тупроқларида фашист босқинчиларига қарши курашган отахон ҳаётнинг кўп ачиқ-чучугини тотди. Урушдан қайтган, турмуш ташвишларидан ортиб, спорт билан мунтазам шуғулланишга имкон топди. Юнон-рум кураши бўйича мамлакат чемпиони бўлди. Узоқ йиллар спортнинг мазкур тури бўйича мурабий сифатида фаолият юритди. Турмуш ўртоғи Халима ая билан

тўрт фарзандни тарбиялаб, ўқитди. Эл қорига ярайдиган, фидойи инсонлар сафига қўшди. Бугун маҳаллада бу оилани каттаю кичик алоҳида ҳурмат қилади. Отахон ва онахонни йўқлашга, уларнинг суҳбатидан баҳраманд бўлишга, дуосини олишга интилади.

Хамид ота набираю эвараларини ёнига чақириб, ўзининг ҳаёт йўли, уруш даври қийинчиликлари ҳақида хикоя қилади. Бугунги оёйишта ҳаётнинг бебаҳо бойлик, энг катта бахт эканлигини таъкидлашдан чарчамайди.

— Юрт озодлиги йўлида қанчадан-қанча сафдошларимиз жон фидо қилди, — дейди нуруний. — Энди истиқлол аталмиш улуг неъматни, бугунги тинч-тотув ҳаётни кўз қорачигидек асраш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир.

Бу — умр баҳори жангу жадалларда ўтган, тинчлик ва авлодлар бахту икболи учун машаққатли йўлни мардона босиб ўтган тўқсон тўрт ёшли инсоннинг чиқарган ақдл ҳулосаси, эртанги кунимиз эгаларига бераётган ўғити.

Дилшод КАРИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Хасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, Шаҳрисабз туманидаги Шанбе қишлоғида яшаётган 98 ёшли Гаффор бобо Сатторов ўша оғир даврни ёдга олганда жанггоҳларда ёш умри хазон бўлган сафдошлари кўз олдига келади. Нигоҳлари маъюс тортади.



Жаҳония НОРҚОБИЛОВ (ў-А) олган сурат.

Осуда ҳаётни орзу қилганмиз

Уларни эслаш, бугунги бахтли кунларимиз учун жонини фидо этган дўстлари ҳақига дуолар қилиш бобонинг доимий одати-га айланган. Отахон кўларини дуога очар экан, мана шундай ёруғ кунларга етказгани учун шукроналар айтади.

— Бугунги бахтли кунларга етишнинг ўзи бўлмаган, — дейди бобо. — Уруш йиллари жанггоҳларда юриб, тинчликнинг нақадар бебаҳо неъмат эканлигини ич-ичимиздан ҳис этганмиз. Фарзандларимизнинг ҳозиргидек бекаму кўст, қайғу кўрмасдан яшашини орзу қилганмиз.

Гаффор бобо ана шундай ният билан саккиз фарзандни тарбиялади. Бугун юздан ортик неваро ва эваралари даврасида шодон умргузаронлик қилмоқда. Юртимизда кексаларга, уруш қатнашчиларига кўрсатилаётган эътибордан гоят мамнун.

Яқинда Гаффор Сатторов хонадонини учун катта байрам бўлди. Давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, фахрийлар ҳамда ёшлар иштирокида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 апрелдаги "Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғриси-

да"ги Фармони асосан, уруш фахрийсига Юртбошимиз имзо чеккан табрик хати, тилла соат ва беш миллион сўм миқдорда пул мукофоти топширилди. Бундан ташқари, ўзи жанг қилган мамлакатларга давлат ҳисобидан бориши, хориждаги санаторийларда дам олиши мумкинлиги бобога эслатилди. Бундай эъзоз ва эътибордан бутун оиланинг кўнгли тоғдек кўтарилди. Диллар ҳамда кўлар дуога очилди...

Аҳад МУҲАММАДИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

...Ўшанда қирғинбарот уруш тугаганига эндигина тўрт йил бўлган, айни баҳор, жийда қийғос гуллаган пахта эди. Қишлоқ йўлида аскар кийимиде келатган норғул йигитни кўрган одамлар шоша-пиша унга пешвоз чиқдилар. Бутун қишлоқ йиғлади. Бу етти йиллик айрилиқ, соғинч, севинч, дийдорлашув ёшлари эди.

Бебаҳо неъмат шукронаси

— 1942 йилда урушга кетганман, — дея чуқур хўрсиниш билан эслайди ўша оғир давларни Назар ота Шеров. — Украина, Польшани фашистлардан озод қилиш учун жангларда қатнашдим. Уруш даҳшатлари, бир бурда нонга зор етим болалар, хувиллаб қолган шаҳару қишлоқлар ҳали-ҳануз кўз ўнгимда. Уруш тугайди етти йил юртимиздан узоқда бўлдим. Ғалабадан сўнг ҳам давр тақозосига кўра, ҳарбий хизматни давом эттиришимга тўғри келди.

Отахоннинг ҳовлисига Пешку туманидаги 11-умумтаълим мактаби бир гуруҳ ўқувчиларини қириб келиши боис суҳбатимиз хийла ортга сурилди. Ўғил-қизлар нурунийга гуллар тақдим қилишди. Ўз навбатида, уруш қатнашчиси бошидан кечирган воқеаларни сўзлаб, бугунги тинч-осойишта кунларнинг қадрига етиш кераклигини уқтирди.

— Тинчлик, нон, она-юрт қадр-қимматини ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайди, — дея

суҳбатни давом эттирди Назар ота. — Қаранг, юртимиз тинч, бозорларимизда файзу барака. Ҳозир 94 ёшдаман. Асл касбим ўқитувчилик. Мактабда қирқ йил жисмоний тарбиядан сабоқ берганман. Эслагинг ҳам келмайди кишининг: бир пайлар спорт залларини қўя туринг, оддий копток ҳам анқонинг уруғи эди. Бугун ёшларимиз ҳавас қилса арзигулик спорт мажмуаларида машгулот ўтказишгаётганини кўриб, "Ажойиб замонлар бўлди-да", деб қўяман. Айтмоқчи, биз яшаб турган Талисубон қишлоғи "Обод қишлоқ" дастури асосида янги қиёфа касб этапти.

Назар отани барча пиру бадавлат инсон, деб билади. Юздан зиёд неварою эваралар ардоғида. Ўтган йили давлатимиз раҳбари томонидан яратилган имтиёздан фойдаланиб, "Дамас"ли бўлди. Бу йил эса Президентимизнинг миннатдорлик хати, тилла соат ва пул мукофоти қалбини қувончга тўлдирди.

Истам ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

QISHLOQQURILISHBANK

жамоаси юртдошларимизни

9 май —

Хотира ва Қадрлаш кунини

қийинҳалқ байрами билан самимий табриклайди!

Хотира — муқаддас, инсон қадри — азиз!

Ватанимиздаги тинчлик, эркинлик ва фаровонлик бардавом бўлсин!

9 май

Хотималар лицензияланган

TURON BANK

9 май —

Хотира ва Қадрлаш кунини

Бугунги тинч ва осойишта кунлар учун жонини фидо қилган аجدодларнинг хотирасини ёд этиш, сафимиздаги кексаларни эъзозлаш — бизнинг муқаддас вазифамиз!

www.turonbank.uz
Хизматлар лицензияланган

Халқ сўзи Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 545, 112 922 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А-2. Баҳоиси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНИЛАР:
Девонхона (0-371) 233-52-55;
Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.

Техриратга келган қўлхатлар таъриф қилинмайди ва мўаллафга қайтарилмайди.
Газетанинг отказиб берилиши учун обунали расмийлаштарган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририни компьютер марказида тервалди ҳамда оператор Ж. Тоғева томонидан саҳифаланади.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатини чоп этилишиги "Шарқ" нашриёт-матбаа иккадорлик компанияси масъул.
Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

• МАЊИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Наъбатчи муҳаррир — М. Жонихоно. Наъбатчи — Ю. Бўринов. Мусахҳиҳ — С. Исмолов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА яқуни — 19.30 Топширилди — 21.25 2 3 4 5 6